

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ  
ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Fil.19.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**МЎЙДИНОВ ҚОДИРЖОН АБДУРАСУЛОВИЧ**

**ЎЗБЕК ТИЛИ СУД НУТҚИ ЛЕКСИКАСИ**

**10.00.01 – Ўзбек тили**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**  
**Contents of Dissertation Abstract of Doctor of Philosophy (PhD)**

<b>Мўйдинов Қодиржон Абдурасулович</b> Ўзбек тили суд нутқи лексикаси.....	3
<b>Муйдинов Кодиржон Абдурасулович</b> Лексика судебной речи в узбекском языке.....	25
<b>Muydinov Kodirjon Abdurasulovich</b> The lexical of court speech of uzbek language.....	47
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b> Список опубликованных работ List of published works .....	51

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ  
ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Fil.19.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**МЎЙДИНОВ ҚОДИРЖОН АБДУРАСУЛОВИЧ**

**ЎЗБЕК ТИЛИ СУД НУТҚИ ЛЕКСИКАСИ**

**10.00.01 – Ўзбек тили**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.3.PhD/ Fil493 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.  
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.navoiy-uni.uz](http://www.navoiy-uni.uz)) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Расулов Равшанхўжа</b> филология фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Юлдашев Иброҳим Жураевич</b> филология фанлари доктори, профессор <b>Кўчимов Шухрат Норқизилович</b> филология фанлари доктори, профессор
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Самарқанд давлат университети</b>

Диссертация ҳимояси Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Fil.19.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100174, Тошкент ш., Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103-уй. Тел.: (99871) 281-10-22; fax: (99871) 281-10-22; e-mail: [tdutau.nazorat@edu.uz](mailto:tdutau.nazorat@edu.uz)).

Диссертация билан Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент ш., Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103-уй. Тел.: (99871) 281-10-22.

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Ш.С.Сирожиддинов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

**Қ.У.Пардаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.н., доцент

**Н.М.Махмудов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон тилшунослигида юридик тил, унинг лексикаси ва терминологияси муаммоларини ўрганишга, юридик тилни система сифатида такомиллаштиришнинг илмий асосларини ишлаб чиқишга катта эҳтиёж сезилмоқда. Дунё илм-фанида социолингвистика, этнолингвистика, когнитив лингвистика, нейролингвистика, компьютер лингвистикаси каби оралиқ лингвистик соҳалар юзага келди. Улар қаторида қонунлар тилини ўрганувчи юрислингвистика соҳасининг пайдо бўлиши суд нутқининг лингвистик хусусиятларини аниқлашни, илмий-назарий жиҳатдан чуқур ўрганишни тақозо қилмоқда.

Дунё тилшунослигида илм-фаннинг фанлараро интеграцияси доирасида ривожланаётганлигидан келиб чиққан ҳолда юридик тилни такомиллаштиришнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш, юридик тил, қонунчилик услубияти, юридик терминларни илмий жиҳатдан ўрганишга эътибор ортиб бормоқда. Бу ҳам айнан суд нутқи лексикасини – уни ташкил қилувчи бирликларнинг табиати, маъно гуруҳлари ва улар орасидаги семантик муносабатларни мукамал ўрганиш лозимлигини кўрсатмоқда. Суд нутқи терминологиясини унификациялаш ва стандартлаштириш юзасидан илмий-амалий хулосалар бериш, суд нутқидаги муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш сари дадил қадамлар қўйилаётган бугунги кунда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, қонун устуворлигига эришиш, давлат бошқарувини модернизация қилиш ва суд-ҳуқуқ ислохотлари амалга оширилаётган бир пайтда фуқароларни ҳуқуқий жиҳатдан тарбиялаш кенг қамровли муҳим муаммолардан биридир. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида «Суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, суднинг нуфузини ошириш, суд тизимини демократлаштириш ва такомиллаштириш» алоҳида таъкидланади<sup>1</sup>. Суд соҳасидаги айни ислохотлар суд нутқи лексикасини алоҳида соҳа сифатида ривожлантиришни тақозо этади. Зотан, юридик фаолиятда касбий нутқнинг тушунарлилиги, мантиқийлиги ва мақсадга мувофиқлиги, унинг юридик тил стандартлари даражасида шаклланиши долзарб масалалардан биридир.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ–4797-сон 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ–4947-сон

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ–4947-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил, 6-сон, 70-модда.

фармонлари, 2017 йил 17 февралдаги «Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–2789-сон қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Илмий-тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг I.«Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳон тилшунослигида суд нотиклиги бўйича кўплаб илмий изланишлар олиб борилган бўлиб, мазкур соҳа ривожига салмоқли ҳисса кўшган олимларнинг ишлари диққатга сазовордир. Хусусан, П.Сергеич суд нотиклигида нутқнинг софлигига, услубнинг равланлигига алоҳида эътибор берган. А.Ф.Кони суд нотиклигининг психологик ва адабий-бадий усулларини тадқиқ қилган. Н.Н.Кохтев эса нотикликнинг умумий лингвистик жиҳатлари: нутқнинг эмоционаллиги, стилистикаси, мулоқотнинг тил воситалари, нутқ маданияти меъёрлари каби масалаларни ўрганган. И.Д.Брауде, Г.З.Апресянлар ҳам суд нотиклиги бўйича изланишлар олиб борганлар<sup>2</sup>.

Ҳозирда Россияда «юрислингвистика» йўналиши жадал ривожланмоқда. Жумладан, Барнаулда 1989, 2000, 2002 йилларда «Юрислингвистика: русский язык в его естественном и юридическом бытии» мавзусида халқаро конференциялар ўтказилган. Шунингдек, Россияда Л.В.Златоустова «лингво-криминалистика», Г.К.Потапова «юридическое речеведение», Н.Д.Голев «юрислингвистика», М.В.Горбаневский «лингвистическая экспертиза» ва Е.И.Каляшина «судебная лингвистика» ва «судебное речеведение» йўналишларида раҳбарлик қилиб, тадқиқотлар олиб бордилар<sup>3</sup>. Бу борада бир нечта номзодлик ва докторлик диссертациялари ҳам ҳимоя қилинган. Жумладан, бу борада Е.И.Каляшинанинг докторлик диссертацияси катта илмий-амалий аҳамиятга эгадир<sup>4</sup>.

Белорусь Республикасида ҳам суд иштирокчилари нутқининг тадқиқи бўйича муайян ишлар амалга оширилган. Хусусан, Е.А.Матвиенконинг «Судебная речь» китобида нотиклик ривожининг босқичлари, унда суд нотиклигининг ўрни ва замонавий ҳолати каби масалалар тадқиқ қилинган<sup>5</sup>.

<sup>2</sup> Сергеич П. Искусство речи на суде. – М.: Юридическая литература, 1988; Кони А.Ф. Искусство речи на суде // Избранные произведения. – М.: Госюриздат, 1956; Кохтев Н.Н. Основы ораторской речи. – М.: МГУ, 1992; Брауде И.Д. Записки адвоката. – М.: МГУ, 1970; Апресян Г.З. Ораторское искусство. – М.: МГУ, 1978.

<sup>3</sup> Материалы международной конференции. Юрислингвистика: русский язык в его естественном и юридическом бытии. – Барнаул: АГУ, 2002.

<sup>4</sup> Каляшина Е.И. Методологические основы судебного речеведения: Автореф. дис... докт. филол. наук. – М.: МГУ, 2003.

<sup>5</sup> Матвиенко Е.А. Судебная речь. – Минск, 1972.

А.Звозников эса юрист нутқининг фалсафий, психологик ва лингвистик жиҳатларини ўрганган<sup>6</sup>.

Қозоғистонда ҳам суд нотиклиги бўйича кўпгина тадқиқотлар амалга оширилган<sup>7</sup>. Айниқса, Г.Г.Гидзатовнинг ишлари диққатга сазовордир<sup>8</sup>. У Қозоғистонда мавжуд бўлган дастлабки бийлар суди ҳақида маълумотлар берган.

Ўзбекистонда суд нотиклиги умумий нотиклик таркибида ўрганилган. Бунда дастлабки иш сифатида С.Иномхўжаевнинг «Нотиклик санъати асослари» қўлланмасини кўрсатиш мумкин<sup>9</sup>. Унда нотиклик ҳақида маълумот берилиб, антик давр нотикларидан тортиб то XX асрнинг 80 йилларигача бўлган нотикларнинг фаолияти ёритилган. Б.Ўринбоев, А.Солиевларнинг «Нотиклик маҳорати» китобида қадимги Юнон, Рим суд нотиклари ва Шарқнинг машҳур воизлари ҳақида маълумот берилган<sup>10</sup>. А.Арипованинг «Нотиклик нутқининг лисоний-услубий воситалари» мавзусидаги номзодлик диссертациясида (2002) суд нотиклигининг таркибий қисмлари ҳақида фикр юритилган<sup>11</sup>. «Нотиклик ва унинг лисоний-услубий воситалари» деб номланган ушбу илмий-оммабоп рисоласида (2007) суд нотиклигининг: а) прокурор нутқи; б) адвокат нутқи; в) жавобгар шахс нутқи; г) ҳукм каби таркибий қисмларига муносабат билдирилган<sup>12</sup>.

Шунингдек, Ўзбекистонда юридик тил, юридик терминология масалалари бўйича ҳуқуқшунос олимлар Ф.Бакиров, А.Саидов ва Г.Сарқисянцларнинг хизматларини алоҳида қайд этиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Ф.Бакиров ўзбек юридик терминлари, уларнинг шакли ва мазмуни, тарихи ва келажаги тўғрисида мақолалар ёзиб, «Юридик терминлар луғати»<sup>13</sup>ни тузган бўлса, А.Саидов ва Г.Сарқисянцларнинг «Юридик тил ва ҳуқуқшунос нутқи» номли рисоласи ва бошқа илмий ишлари жуда қимматлидир<sup>14</sup>. Уларда миллий юридик ўзбек тилининг илмий-назарий моделини яратиш ғояси илгари сурилади. Бу соҳада Л.М.Бойко, М.Қосимова, Л.А.Каримова, Ш.Н.Кўчимов, Г.Ё.Ғуломова, О.Ф.Турсунова, Х.Хайитов, Ш.Н.Бердияров, Р.И.Мирзаев каби олимлар томонидан ҳам тадқиқотлар амалга оширилган. Мамлакатимизда олиб борилаётган бундай илмий изланишларни жаҳон тилшунослигига олиб чиқиш мақсадида Ш.Кўчимов томонидан махсус веб-сайтнинг йўлга қўйилганлиги ҳам диққатга

<sup>6</sup> Звозников А. Мечом уст моих (о речи как явления культуры) // Юстиция Белоруси, 2003.– №4. – С.3-8.

<sup>7</sup> Адамбаев Б. Устное народное ораторское искусство. – Алматы, 1994; Билер созы. – Алматы, 1995; Материалы по казахскому обычному праву. – Алматы, 1997; Судебные речи адвокатов Казахстана. – Алматы, 1996; Судебные речи государственных обвинителей прокуратуры Казахстана. – Алматы, 1998.

<sup>8</sup> Гидзатов Г.Г. Очерки по истории судебной речи. – Алматы, 1997.

<sup>9</sup> Иномхўжаев С. Нотиклик санъати асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1982. – Б. 17-23.

<sup>10</sup> Ўринбоев Б., Солиев А. Нотиклик маҳорати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1984. – Б. 102.

<sup>11</sup> Арипова А. Нотиклик нутқининг лисоний-услубий воситалари. Филол.фан.номз.дис. – Тошкент, 2002.

<sup>12</sup> Арипова А. Нотиклик ва унинг лисоний-услубий воситалари. – Тошкент: ЖИДУ, 2007. – Б.70-72.

<sup>13</sup> Бакиров Ф. Некоторые вопросы узбекской юридической терминологии. – Тошкент, 1956; Тошкент, Бакиров Ф. Юридик терминлар луғати. – Тошкент, 1959;

<sup>14</sup> Саидов А., Сарқисянц Г. Юридик тил ва ҳуқуқшунос нутқи. – Тошкент: Адолат, 1994; Саидов А., Саидова Л., Кўчимов Ш., Қосимова М. Қонун ва тил. – Тошкент: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 1997.

сазордир<sup>15</sup>. Шундай бўлса-да, ҳозирга қадар ўзбек тилшунослигида суд нутқи лексикаси система сифатида ўрганилмаган, унинг бирликлари систем лексикологиянинг таҳлил усуллари ёрдамида тадқиқ этилмаган. Бу эса мазкур мавзу бўйича махсус тадқиқотнинг амалга оширилиши зарурлигини кўрсатади.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Тадқиқот Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг «Филологиянинг долзарб масалалари» мавзусидаги илмий тадқиқотлари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ўзбек тили суд нутқи лексикасини яхлит система сифатида ўрганиш, суд жараёнида қўлланаётган лексик бирликларни тартибга солиш борасидаги муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш юзасидан хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

қадимги Юнон, Рим суд нотиклиги билан Шарқ нотиклигини қиёслаб ўрганиш, суд нотиклигининг тарихий асосларини очиб бериш орқали нотикларнинг суд нотиклигини ривожлантиришга қўшган ҳиссаларини ёритиш;

суд нутқидаги терминларнинг шахсларни, жиноятни, суд ҳужжатларини, суд ҳукми ва жазо жойларини ифодаловчи гуруҳларини аниқлаш;

суд нутқидаги терминларнинг тузилишига кўра турларини аниқлаш;

суд нутқи лексикасидаги юридик терминларнинг лексик-семантик гуруҳларини аниқлаш, суд нутқидаги лексик бирликларнинг ўзаро маънодошлик, зидлик, жинс ва тур, бутун ва бўлак, даражаланиш каби жиҳатларини ёритиш;

суд нутқида содда гаплардан фойдаланиш, фикрни қисқа ва аниқ ифодалаш, такрорларга йўл қўймаслик юзасидан илмий-амалий хулосалар бериш.

**Тадқиқотнинг объекти** суд нутқи лексикасини, унинг лингвистик хусусиятларини тадқиқ қилиш.

**Тадқиқотнинг предмети** суд нутқи лексикаси, лексик бирликларнинг маъно гуруҳлари, семантик-функционал хусусиятлари ташкил этади.

---

<sup>15</sup> Бу ҳақда қarang: <http://www.yurislingvistika.ukit.me>. Бойко Л.М, Законодательная техника (теория и практика). Автореф. канд. юрид. наук. – Тошкент, 1984; Касьмова М. Структурно-системные особенности юридической терминологии узбекского языка. Дисс. ... канд. филол. наук. – Тошкент, 1986; Каримова Л.А. Правовые нравственные аспекты законов о языке. Дисс. ... канд. юрид. наук. – Тошкент, 1991; Кўчимов Ш.Н. Ўзбекистон Республикаси қонунларининг тили. Филол. фан. номз....дис. – Тошкент, 1995; Ғуломова Г.Ё. Ўзбек юридик терминологиясининг истиқлол даври тараққиёти. Филология фанлари номзоди диссертацияси. – Тошкент, 2004; Турсунова О.Ф. Ўзбек давлатчилиги тарихида қўлланилган ҳуқуқий терминларнинг лисоний тадқиқи. Филология фанлари номзоди диссертацияси. – Тошкент, 2007; Бердияров Ш.Н. Икки палатали парламент шароитида қонунчилик техникаси (назария, методология, амалиёт): Юрид. фан. номз. ...дис. – Тошкент, 2009; Хайитов Х. Қонун ижодкорлигида юридик лингвистиканинг ўрни ва аҳамияти. Юрид. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2011; Мирзаев Р.И. Ўзбекистон Республикаси давлат тилининг ҳуқуқий мақоми. Юрид. фан. номз. ...дисс. – Тошкент, 2012; Кўчимов Ш.Н. Ҳуқуқий нормаларни ўзбек тилида ифодаланишнинг илмий-назарий муаммолари (лингво-юридик таҳлил). Филол. фан. д-ри ... дисс. – Тошкент, 2004.



**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда қиёсий, тавсифий, компонент ва статистик таҳлил усулларида фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

суд нутқидаги терминларнинг шахсларни (судья, адвокат), жиноят ва жазони (фирибгарлик, ўғирлик), суд ҳужжатларини (санкция, ордер), суд ҳукми (суд қарори, суд ажрими) ва жазо жойларини (қамоқхона, камера) ифодаловчи гуруҳлари аниқланган;

суд нутқидаги терминларнинг содда (судья, гувоҳ, жиноят), қўшма (тартиббузар, ҳуқуқбузар, фотоҳужжат) ва мураккаб (муаллифлик ҳуқуқи, мажбурий ижро, озодликдан маҳрум қилиш) турларининг моҳияти очиқ берилган;

суд нутқидаги лексик бирликларнинг ўзаро маънодошлик (аввал, илгари, муқаддам), зидлик (оқлаш-қоралаш, айбдор-айбсиз), жинс ва тур (баённома – сўроқ қилиш баённомаси, суд мажлиси баённомаси, тинтув баённомаси), бутун ва бўлак (кодекс – боб, банд, модда), даражаланиш (гумон қилинувчи, судланувчи, айбдор) каби жиҳатлари ёритилган;

суд нутқида сўз танлаш, суд баённомаси, суд ажрими, суд ҳукми, адвокат нутқи каби ҳужжатларни тузишда, асосан, содда гаплардан фойдаланиш, фикрни қисқа ва аниқ ифодалаш, такрорларга йўл қўймаслик каби жиҳатлар асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

юридик терминларнинг лексик-семантик гуруҳлари, парадигматик муносабатларининг аниқланиши ўзбек тилшунослигининг, асосан, лексикология бўлимини янги илмий маълумотлар билан бойитишга хизмат қилади;

суд нутқи лексикасининг семантик-функционал хусусиятларига оид материаллардан юрислингвистика, социоллингвистика, лексикология, семасиология, лексикография ва терминология каби фанларни ўқитишда унумли фойдаланиш мумкинлиги кўрсатиб берилди;

диссертация натижасида олинган хулосалар суд нутқи масалаларини тилшуносликда ўрганиш принципларини аниқлашда, нутқ маданиятининг бугунги замонавий концепциясини ёритишда муҳим аҳамият касб этади.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** муаммонинг аниқ қўйилганлиги, назарий фикр ва хулосаларнинг суд нутқида оид материалларга асосланганлиги, амалиётга жорий этилаётганлиги, хулосаларнинг қатъийлиги, суд нутқидаги лексик бирликларга ўзбек тилининг табиатидан келиб чиқиб ёндашилганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти нотиклик санъатини ва унинг қатор турлари лексикасини назарий жиҳатдан чуқур ўрганишга бағишланган монографик тадқиқотлар учун асос бўла олиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти диссертациянинг хулосалари ва материаллари нотиклик санъати, нутқ маданияти,

услугунослик, семасиология, лексикография, терминология ва бошқа соҳалар учун муҳим манба бўлади, шунингдек, юриспруденция вакилларининг касбий (нутқий) маҳоратини оширишда, ўқув адабиётларини яратишда, луғатлар тузишда хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбек тили суд нутқи лексикаси бўйича олинган натижалар асосида:

суд нутқи лексикаси бирликлари ўртасидаги синонимик, антонимик, гипонимик, партонимик, функционимик, градуонимик каби муносабатларга оид материаллардан 2015-2017 йилларга мўлжалланган А-1-61 рақамли «Кўриш имконияти чекланган талабалар учун тилшунослик фанлари бўйича аудиокитоб таъминотини яратиш» амалий илмий-техник лойиҳасида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 10 декабрдаги 89-03-4273-сон маълумотномаси). Натижада лойиҳа янги илмий-амалий материаллар билан бойиган, аудиокитобда терминларнинг изоҳи мукаммаллашган;

суд жараёни иштирокчиларининг матн тузиш, сўз танлаш билан боғлиқ муаммоларини аниқлаш ва бартараф этиш бўйича тавсиялардан 2013-2014 йиллари Фарғона вилоят ҳудудий инновация фаолияти ва технологиялари трансфери маркази томонидан ташкил этилган «Ижтимоий экология муаммолари» номли инновация лойиҳасида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 10 декабрдаги 89-03-4273-сон маълумотномаси). Натижада лойиҳанинг юридик терминлар билан боғлиқ қисмининг илмий қиймати ошган, фанлараро интеграцияси таъминланган;

суд нутқи лексикасининг семантик майдони, маъно гуруҳлари, унинг хусусиятлари, суд иштирокчиларининг нутқлари ҳақидаги маълумотлардан Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Ўзбекистон» телерадиоканалининг «Бедорлик», «Таълим ва тараққиёт» эшиттиришларини тайёрлаш жараёнида фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Ўзбекистон» телерадиоканалининг 2018 йил 6 декабрдаги 120-сон маълумотномаси). Натижада ушбу эшиттиришлар учун тайёрланган материалларнинг илмий аҳамияти ортиб, мукаммаллашган, қизиқарлилиги, ҳаётийлиги ва илмий далилларга бойлиги таъминланган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 3 та халқаро анжуманда ва 8 та республика илмий-амалий конференциясида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш: 1та монография, 1та ўқув кўланма, 7 та илмий мақола, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 1таси хорижий журналда, 3 таси республика журналларида нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 142 саҳифани ташкил қилади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган. Олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти асослаб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Суд нотиклигининг ўрганилиши**» деб номланган биринчи бобида нотиклик санъати ва унга ёндош соҳа бўлган нутқ маданияти, хусусан, суд нотиклиги билан илмий асосда шуғулланиш масалалари таҳлил қилинди. Нотиклик санъати муаммоларини илмий-назарий жиҳатдан ўрганиш XX асрнинг 20-30-йилларидан бошлаб Москва ва Прага лингвистик мактабларида юзага келган. Э.Бегматовнинг таъкидлашича, «Адабий тил, адабий норма ва нутқ маданияти ҳақидаги Прага лингвистик тўғараги олдинга сурган қарашларни барча халқларнинг адабий тиллари учун умумий қонуният дейиш мумкин. Ўз навбатида, ушбу таълимот ўзбек адабий тили ва ўзбек нутқ маданиятининг ҳам бир қатор масалаларини ҳал этишда дастур бўла олади»<sup>16</sup>. Шу тариқа С.Иномхўжаев, Э.Бегматов, Т.Қудратов, Р.Қўнғуров, Ё.Тожиев, Б.Ўринбоев, А.Солиев, Р.Расулов, Н.Маҳмудов, С.Мўминов, Ш.Искандарова, А.Арипова каби олимлар нутқ маданияти, нотиклик санъати ва нотиклик услубига оид изланишлар олиб бориб, ўзбек нутқ маданияти соҳасининг ривожига катта ҳисса қўшдилар<sup>17</sup>.

Нотиклик санъатига доир кўплаб илмий изланишлар олиб борилган бўлса-да, бу соҳанинг ҳали тўлиқ ўрганилмаган томонлари мавжуд. Бу нотиклик турлари ва уларнинг ўзига хос лексик-семантик хусусиятлари тадқиқида кўзга ташланади. Маълумки, нотиклик санъатининг ижтимоий-сиёсий нотиклик, академик нотиклик, суд нотиклиги, ижтимоий-маиший нотиклик ва диний нотиклик каби бир нечта турлари бўлиб, ҳар бирининг

<sup>16</sup> Бегматов Э. ва б. Ўзбек нутқи маданияти очерклари. – Тошкент: Фан, 1988. – Б. 27.

<sup>17</sup> Бегматов Э. Нотикнинг нодир бойлиги. – Тошкент: Ўзбекистон, 1980; Иномхўжаев С. Нотиклик санъати асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1982; Ўринбоев Б., Солиев А. Нотиклик маҳорати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1984; Қўнғуров Р., Бегматов Э., Тожиев Ё. Нутқ маданияти ва услубият асослари. – Тошкент, 1992; Қудратов Т. Нутқ маданияти асослари. – Тошкент, 1993; Искандарова Ш. Ўзбек нутқи одатининг мулоқот шакллари. Филол.фан.номз...дис. – Самарқанд, 1993; Маҳмудов Н. Маърифат манзиллари. – Тошкент, 1999; Мўминов С. Ўзбек мулоқот ҳулқининг ижтимоий-лисоний хусусиятлари. Филол.фан.док-ри... дис. – Тошкент, 2000; Арипова А. Нотиклик нутқининг лисоний-услубий воситалари. Филол.фан.номз...дис.автореф. – Тошкент, 2002; Маҳмудов Н.Ўқитувчи нутқи маданияти. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007; Rasulov R., Mo'ydinov Q. Nutq madaniyati va notqlik san'ati. O'quv qo'llanma. – Toshkent, 2011; Маҳмудов Н. Тилимизнинг тилла сандиғи. – Тошкент, 2012. Маҳмудов Н. Тил тилсими тадқиқи. – Тошкент: Mumtoz so'z, 2017.

ўзига хос лексикаси мавжуд ва улар шу кунгача илмий-назарий жиҳатдан махсус ўрганилмаган. Хусусан, улар орасида суд нотиклиги алоҳида ўринга, ўзига хос хусусиятларга эга. Бу хусусиятлар суд жараёнида намоён бўлади. Чунки суд жараёнида масъул шахслар – судья, халқ маслаҳатчилари, прокуратура ва ички ишлар ходимлари, адвокатлар, гувоҳлар, жабрланувчилар ҳамда судланувчилар иштирок этади. Уларнинг ҳар бири суд жараёнида қонунга асосланиб, томонлар манфаатларини кўзлаб нутқ сўзлайдилар. Бундай нутқларнинг ҳар бири аҳамияти, таъсир кучи ва ишонтириш қуввати билан бошқа нутқ турларидан фарқланади. Ана шу жараёнда сўзланган нутқ юридик адабиётларда *суд нутқи* деган умумий тушунча остида бирлашади ва процессуал вазифани бажаришда баб-баравар иштирок этади<sup>18</sup>.

Диссертациянинг «Суд нотиклиги асослари» деб номланган фаслида Европа ва Марказий Осиёда суд нотиклигининг шаклланиши ва ривожланиши ҳақида фикр юритилади.

Ишда қадимги Юнон ва Рим суд нотикларидан Антифонт, Лисий, Демосфен, Перикл, Клеон, Аристотель, Катон, Цицерон каби нотикларнинг соҳага доир қарашлари ўрганилди.

Суд нотиклигининг ривожланиши Юнон ва Рим нотиклигида бўлгани каби Марказий Осиё нотиклигида ҳам ўзига хос тарихга эга. Жумладан, Қози Ал-Ҳарбавайхий, Қози Ўший, Абу Ҳомид Ғаззолий каби воизлар фикҳ илмининг етук билимдони, машҳур воизлар бўлган.

Диссертациянинг «МДХ мамлакатларида суд нотиклиги» деб номланган фаслида суд нотиклиги бўйича олиб борилган тадқиқотлар таҳлилга тортилди.

Суд нотиклиги ривожланиши билан мазкур йўналишдаги тадқиқотлар ҳам кўпайиб борган. Хусусан, Россияда XIX асрнинг ўрталаридан бошлаб бу соҳадаги дастлабки тадқиқотлар юзага келган<sup>19</sup>.

П.Сергеич «Искусство речи на суде» асарида нутқда синонимлар ва тасвирий воситалардан ўринли фойдаланишни таъкидлаб, сўзларни ўринсиз такрор қўллаш, хорижий сўзлар ва паразит сўзларни ишлатишни кескин танқид қилади<sup>20</sup>. А.Ф.Кони суд нотиклигининг, асосан, психологик жиҳатларини ўрганган<sup>21</sup>. И.Д.Брауде «Записки адвоката» китобида суд нотиклигининг асосини ташкил этувчи адвокат нутқининг моҳияти, мазмуни, суд мунозарасидаги маҳорати, яъни нутқда ҳар бир сўзни ўз ўрнида моҳирона қўллай олиш қабилар ҳақида фикр билдиради<sup>22</sup>. Ушбу асар ҳам юристларга қўлланма тарзида ёзилган.

Г.З.Апресяннинг «Ораторское искусство» асарида нотиклик маҳорати масалаларига эътибор қаратилади. «Роды и виды ораторского искусства»

<sup>18</sup> Қаранг. Каримов С., Маматов Х., Бўриев И. Юристинг нутқ маданияти. – Тошкент, 2004. – Б.129.

<sup>19</sup> Левенстим А. Речь государственного обвинителя в уголовном суде. – СПб, 1894; Тимофеев А.Г. Речи сторон в уголовном процессе. – СПб, 1897; Тимофеев А.Г. Судебное красноречие в России. Критические очерки. – СПб, 1900.

<sup>20</sup> Қаранг. Сергеич П. Искусство речи на суде. – М.: Юридическая литература, 1988. – С.14-46.

<sup>21</sup> Иномхўжаев С. Нотиклик санъати асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1982. – Б.115.

<sup>22</sup> Брауде И.Д. Записки адвоката. – М., 1970.

бўлимида суд нотиклигининг уч тури кўрсатилади: прокурор нутқи, адвокат нутқи ва айбланувчининг ўзини ҳимоя қилиш нутқи<sup>23</sup>. Асар нотикликнинг умумий муаммоларига бағишланган, суд нутқининг лисоний жиҳатлари эса эътибордан четда қолган.

Н.Н.Кохтевнинг «Основы ораторской речи» китобининг «Роды и виды красноречия» бўлимида суд нотиклиги масалалари алоҳида кўриб чиқилган<sup>24</sup>. Унда юристларнинг суд жараёнидаги нутқларига тўхталиб, нутқларнинг тузилиши, яъни композицион жиҳатлари таҳлилга тортилган.

Ўзбекистонда ҳам суд нотиклиги умумий нотиклик таркибида тадқиқ қилинган. Суд нутқи ҳақида, асосан, юридик соҳага оид нашрларда фикр билдирилган бўлиб, уларда суд нутқининг лисоний жиҳатларини ўрганиш асосий мақсад қилиб олинмаган. Масалан, А.Саидов, Г.Сарқисянцларнинг «Юридик тил ва ҳуқуқшунос нутқи» рисоласида суд нотиклигининг айрим масалаларига тўхтаб ўтилган, унда асосий эътибор юристлар нутқига қўйиладиган талабларга қаратилган<sup>25</sup>. М.Мирҳамидов, Н.Норпўлатов, С.Ҳасановларнинг «Юристинг нутқ маданияти» ўқув қўлланмасининг иккинчи бўлимида суд нотиклигининг тарихий ривожланиш босқичлари, саккизинчи бўлимида эса, унинг таркибий қисмлари: прокурорнинг айблов нутқи, адвокатнинг ҳимоя нутқи ва судьянинг нутқига муносабат билдирилган<sup>26</sup>. С.Каримов, Х. Маматов, И. Бўриевларнинг «Юристинг нутқ маданияти» ўқув қўлланмаси ҳам юристларнинг касбий маҳоратини оширишга мўлжалланган<sup>27</sup>. С.Усмоновнинг «Юристинг нутқ маданияти» дарслигида ҳуқуқий терминларнинг тизим ички имкониятлари ҳисобига бойиши ҳақида фикр юритилган<sup>28</sup>.

Диссертациянинг иккинчи боби «Суд нутқи лексикасининг таркиби ва маъно гуруҳлари» деб номланади. Унинг «Суд нутқи лексикасининг таркиби» фаслида суд жараёнидаги нутқ кўринишлари ҳақида фикр юритилади. Суд жараёнидаги нутқларни ўрганишда Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси, Фуқаролик процессуал кодекси, Жиноят кодекси, Жиноят ишлари бўйича суд ҳужжатлари, Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишга оид қонун ҳужжатлари тўплами<sup>29</sup> каби манбаларга асосланилди.

Жиноят ишини юритишда суд жараёни иштирокчиларининг нутқи қуйидаги гуруҳларга ажратилди:

1. Суд ишини юритишга масъул бўлган мансабдор шахслар: *судья, суд мажлиси котиби, прокурор, терговчи нутқи.*

<sup>23</sup> Апресян Г.З. Ораторское искусство. – М.: МГУ, 1978.

<sup>24</sup> Кохтев Н.Н. Основы ораторской речи. – М.: МГУ, 1992.–С.72-74.

<sup>25</sup> Саидов А., Сарқисянц Г. Юридик тил ва ҳуқуқшунос нутқи. – Тошкент: Адолат, 1994. – Б. 32.

<sup>26</sup> Мирҳамидов М., Норпўлатов Н., Ҳасанов С. Юристинг нутқи маданияти. – Тошкент, 2005.– Б. 94-189.

<sup>27</sup> Каримов С., Маматов Х., Бўриев И. Юристинг нутқ маданияти. –Тошкент: Зарқалам, 2004. – Б. 157.

<sup>28</sup> Усмонов С. Юристинг нутқ маданияти. –Тошкент, 2006. – Б. 197.

<sup>29</sup> Жиноят ишлари бўйича суд ҳужжатлари. – Тошкент: Адолат, 2015; Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишга оид қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2005.

2. Суд жараёнида иштирок этувчи жамоат бирлашмалари, жамоалар ва уларнинг вакиллари: *жамоат айбловчиси, жамоат ҳимоячиси нутқи*.

3. Суд жараёнида ўз манфаатларини ҳимоя қиладиган шахслар, ҳимоячилар ва вакиллар: *судланувчи, адвокат, жабрланувчи нутқи*.

4. Суд жараёнида иштирок этувчи бошқа шахслар: *гувоҳ, эксперт, мутахассис нутқи*<sup>30</sup>.

Суд жараёнида иштирок этувчи шахсларнинг нутқини қўлланишига кўра фаол ва нофаол нутқларга ажратилди:

Фаол нутқлар: *судья, прокурор, адвокат, судланувчи, жабрланувчилар нутқи*.

2. Нофаол нутқлар: *суд мажлиси котиби, халқ маслаҳатчилари, жамоат айбловчиси, жамоат ҳимоячиси, гувоҳ, эксперт, мутахассис нутқи*.

Бу нутқларнинг ҳар бири моҳиятига кўра муайян ўзига хосликларга эга. Бу жиҳатлар нутқда тил бирликларини танлаш, гап қурилиши, судьяга нисбатан мурожаатнинг ўзига хос лингвистик ва экстралингвистик усулларида фойдаланишда кўринади.

Иккинчи бобнинг навбатдаги фаслида суд нутқи лексикасидаги бирликлар муайян маъно гуруҳларига ажратилди. Суд нутқида, асосан, умумистеъмол лексикадан, юридик терминлардан, суднинг турига қараб муайян суднинг ўзига хос лексик бирликлари, масалан, иктисодиётга оид терминлардан (иктисодий судларда), адвокат нутқида эса кўпинча фразеологизмлардан, услубий хосланган ва услубий бўёқдор сўзлардан фойдаланилади.

Ш. Кўчимов қонун тили лексикасини учга бўлади: 1. Умумистеъмол лексика. 2. Фразеологик лексика. 3. Атамалар<sup>31</sup>. Суд нутқи лексикаси ҳам қонун тили лексикасида бўлгани каби умумистеъмол сўзлар, юридик терминлар ва фразеологизмлардан иборат.

1. Суд нутқи лексикасидаги умумистеъмол сўзлар от, сифат, сон, равиш, феъл, ёрдамчи ва модал сўзлардан ташкил топади.

От туркумига оид сўзлар. Судда кўрилаётган ишга тааллуқли бўлган барча шахс, жой ҳамда ташкилот номларининг аниқ ва тўлиқ кўрсатилиши талаб қилинади:

1. Шахс номлари. Суд жараёнида қатнашувчиларнинг исми, отасининг исми, фамилияси тўлиқ қайд қилинади: *Айбланувчи Бозоров Валижон Самадович (Bozorov Valijon Samadovich)га нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш рад қилинсин*<sup>32</sup>.

2. Жой номлари. Маълум бир географик ҳудудга атаб қўйилган номлар судда кўрилаётган иш бўйича ҳақиқатни аниқлашда муҳим ҳисобланади. Шунинг учун ҳам суд жараёнида жой номларининг ҳам тўлиқ ва аниқ кўрсатилиши талаб қилинади: *1979 йил 23 ноябрда Тошкент шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, оилали,*

<sup>30</sup> Қаранг. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси. – Тошкент: Адолат, 2018. – Б.14-48.

<sup>31</sup> Кўчимов. Ш.Н. Ҳуқуқий атамаларни ўзбек тилида ифодалашнинг илмий-назарий муаммолари: Филол. фан. докт... дисс. автореф. – Тошкент, 2004. – Б. 20.

<sup>32</sup> Жиноят ишлари бўйича суд хужжатлари. – Тошкент: Адолат, 2015.

*икки нафар фарзанди бор, судланмаган ... Тошкент шаҳар Чилонзор тумани Галаба кўчаси 2-уй 28-хонадонда яшайди (Жиноят ишлари бўйича суд ҳужжатлари, 101-б.).*

3.Ташкилот номлари. Суд жараёнида ташкилот номларининг тўлиқ кўрсатилиши ҳам мажбурий ҳисобланади: *Дастлабки терговнинг О.Қодиров «Сурхонозиқовқатсаноати» ҳиссадорлик жамиятида раҳбар бўлиб жамият учун зарур бўлган саноат хомашёсини бевосита ўзи эмас, балки «Бўта» хусусий фирмаси орқали сотиб олган ....(ЎАҲН<sup>33</sup>, 159-б.).*

Феъл туркумига оид сўзлар суд нутқида фаол қўлланиб, гапларнинг мантикий асосини ташкил этади. Шу боис суд нутқидаги феълларни семантик гуруҳларга ажратиш ва ҳар бир гуруҳни ўрганиш ҳам тадқиқотнинг вазифаларидан бири ҳисобланади.

1.Ҳаракат феъллари моддий асосига (объектига) кўра кенглиги ва мураккаблиги, серкирралиги ва доимийлиги билан бошқа семантик майдонга кирувчи феъл лексемалардан ажралиб туради<sup>34</sup>. Масалан: *бўғмоқ, урмоқ, дўппосламоқ, муштламоқ, силтамоқ, судрамоқ, тентирамоқ* ва б.: *Тоҳир Илёр билан муштлашиб унга пичоқ билан ҳамла қилганини Илёр бошини ушлаб кетганини... айтиб кўрсатув берди (ЎАҲН, 58-б.).*

2.Нутқ феъллари ўзбек тилшунослигида И.Кўчқортоев, М.Содиқовалар томонидан ўрганилган<sup>35</sup>. Суд нутқи лексикасида, асосан, қуйидаги нутқ феъллари учрайди: *сўрамоқ, айтмоқ, сўзламоқ, буюрмоқ, сўкмоқ, ялинмоқ, ёлвормоқ* ва б.: *Сония она ўглининг устига ўзини ташлаб, Дониёрга: «Ука, нима десанг қиламан, унақа қилма»,– деб ялинди (ЎАҲН, 26-б.).*

3.Ҳолат феъллари. Ҳолат феъллари, айниқса, жиноят ишлари бўйича суд жараёнида кўп учрайди. Мазкур феълларнинг семантик майдонини аниқлашда Р.Расуловнинг фундаментал тадқиқотига<sup>36</sup> суяндик.

Суд нутқи лексикасида учрайдиган ҳолат феъллари: *терламоқ, йиғламсирамоқ, жиддийлашмоқ, сулаймоқ, ҳолсизланмоқ* ва б.: *Бу вақтда бизнинг бақир-чақиригимизни 5-хонада яшовчи Робияхон эшитиб, эшигини очганида хонасига кириб, ўзимни беҳаловат сездим, ҳолсизланиб ўша ерда ўзимни ташлаб юбордим (ЎАҲН, 32-б.).*

Сон туркумига оид сўзлар суд нутқидаги фаол бирликлардан ҳисобланади. Суд нутқида соннинг барча маъно турларига оид сўзларни кузатиш мумкин: *Якубов Тимур Аманжановичга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 241-моддаси 1-қисми, 276-моддаси 1-қисми билан 3 (уч) йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин (Жиноят ишлари бўйича суд ҳужжатлари, 249-б.).*

Равиш туркумига оид сўзлар суд нутқи лексикасида кўп учрайди. Чунки юз берган воқеа-ҳодисанинг қай тарзда, қай пайтда, қай мақсадда, қаерда

<sup>33</sup> Ўзбекистон адвокатларининг ҳимоя нутқлари. – Тошкент: Адолат, 2006 (кейинги ўринларда – ЎАҲН).

<sup>34</sup> Мухамедова С. Ўзбек тилида ҳаракат феълларининг семантикаси ва валентлиги – Тошкент, 2005. – Б.8.

<sup>35</sup> Кўчқортоев. И. Сўз маъноси ва унинг валентлиги. – Тошкент: Фан, 1977; Содиқова. М.Феъл стилистикаси. –Тошкент: Фан, 1975.

<sup>36</sup> Расулов. Р. Глаголы состояния в узбекском языке и их валентность. Дисс ...докт. филол. наук. – Ташкент, 1989; Ўзбек тили феълларининг маъно тузилиши. – Тошкент, 2001.

содир бўлганини аниқлаш суднинг асосий вазифаларидан ҳисобланади. Суд жараёнида, асосан, қуйидаги туб ва ясама равишлар учрайди: *қасддан, қўққисдан, бехосдан, аранг, дарҳол, атайлаб, холисона, кейин* ва б.

Суд нутқи лексикасида олмош туркумининг барча маъно турлари фаол қўлланади. Масалан: *мен, ўзим, у, бу, мана шу, кимдир, аллаким, барча, ҳамма, ҳеч ким* ва б.

Сифат туркумига оид сўзлар суд нутқида нисбатан кам учрайди. Суд нутқларида расмийлик устун бўлганлиги сабабли унда сифат туркумига оид сўзларга, улар ифодалаётган маънолар – эмоционал-экспрессивлик ва бошқаларга талаб кам. Масалан: *оқ, қора, ҳақиқий, қимматбаҳо, хавфли, сохта, қалбаки* ва б.: *Кейин у бошқа қимматбаҳо буюмларни қидириб топши мақсадида С.Маматовани ётоқхонага бошлади* (ЎАХН, 40-б.).

Ёрдамчи ва модал сўзлар: *ва, ҳамда, аммо, лекин, ёки, агар, гўё, албатта, аввало* ва б.: *Майда-чуйда ишларни бажариб, онаси ва укасини боқиб туради, лекин олдин онаси, кейин укаси вафот этади* (ЎАХН, 13-б.).

II. Ўзбек тилшунослигида юридик терминлар ва уларнинг мавзуий гуруҳлари бир қатор тадқиқотларда ўрганилган<sup>37</sup>. Ш.Кўчимовнинг докторлик диссертациясида юридик терминлар ҳуқуқ соҳаси бўйича ўн бешта гуруҳга ажратиб таснифланган<sup>38</sup>. М.Қосимова ва Г.Ғуломоваларнинг номзодлик ишларида эса юридик терминлар еттита гуруҳга ажратилган<sup>39</sup>.

Суд нутқидаги юридик терминларни муайян лексик-семантик гуруҳларга ажратишда Г.Ғуломованинг «Ўзбек юридик терминологиясининг истиқлол даври тараққиёти» номли номзодлик диссертациясидан, «Юридик тил ва ҳуқуқшунос нутқи» китобидаги луғат ва иловалар<sup>40</sup>дан ижодий фойдаландик. Юридик терминлар сўз ва бирикма шаклида бўлиб, асосан, от, сифат ва феъл туркумларига хос.

Суд нутқида оид юридик терминларнинг қуйидаги маъно гуруҳлари мавжуд:

Шахсларни ифодаловчи терминлар:

1. Суд соҳасидаги шахсларни ифодаловчи терминлар: *судья, адвокат, суд мажлиси раиси, терговчи, суд мажлиси котиби* ва б.

2. Жазоланувчи – қонунга хилоф иш қилган шахсларни ифодаловчи терминлар: *айбдор, жавобгар, фирибгар, жинойатчи, рецидивист* ва б.

<sup>37</sup> Касимова М. Структурно-системные особенности юридической терминологии узбекского языка. Автореф. дис...канд.филол.наук. –Ташкент,1985; Бойко Л. М. Законодательная техника (теория и практика). Автореф. дис...канд. юрид. наук. – Тошкент, 1984; Каримова Л. А. Правовые и нравственные аспекты законов о языке. Дисс ... канд. юрид. наук. – Тошкент, 1991; Кўчимов Ш. Ўзбекистон Республикаси қонунларининг тили. Филол.фан.номз ... дис. автореф. – Тошкент, 1995; Кўчимов Ш. Ҳуқуқий нормаларни ўзбек тилида ифодалашнинг илмий-назарий муаммолари. Филол.фан.док-ри...автореф. –Тошкент, 2004; Ғуломова. Г. Ўзбек юридик терминологиясининг истиқлол даври тараққиёти. Филол. фан.номз...дис.автореф. – Тошкент, 2005; Турсунова. О. Тарихий манбаларда ҳуқуқ терминларининг қўлланиши. Филол.фан. номз...дис.автореф. – Тошкент, 2009.

<sup>38</sup> Кўчимов Ш. Ҳуқуқий нормаларни ўзбек тилида ифодалашнинг илмий-назарий муаммолари. Филол.фан.док-ри...автореф. – Тошкент, 2004.

<sup>39</sup> Касимова М. Структурно-системные особенности юридической терминологии узбекского языка. Автореф. дис ...канд ... филол.наук. – Ташкент, 1985; Ғуломова Г. Ўзбек юридик терминологиясининг истиқлол даври тараққиёти. Филол. фан. номз...дис.автореф. – Тошкент, 2005.

<sup>40</sup> Мирхамидов М., Ҳасанов С. Юридик тил ва ҳуқуқшунос нутқи. – Тошкент: Университет, 2004. – Б. 238.



3. Суд жараёнида иштирок этувчи бошқа шахсларни ифодаловчи терминлар: *жабрланувчи (ҳаётдан кўз юмган бўлса, марҳум), гумон қилинувчи, даъвогар, гувоҳ, жамоат ҳимоячиси, жамоат айбловчиси ва б.*

Судлов органлари тушунчасини ифодаловчи терминлар: *Олий суд, иқтисодий суд, маъмурий суд, жиноят суди, фуқаролик суди ва б.*

Жиноят турларини ифодаловчи терминлар:

1. Бошқарув тартибига қарши (яъни, мансабдорлик) жиноятларни: *пора олиш, пора бериш, таъмагирлик, давлат мулкани талон-тороғ қилиш, ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш ва б.*

2. Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларни: *бўйсунмаслик, буйруқни бажармаслик, ҳарбий хизматдан бўйин товлаш, ҳарбий қисмни ёки хизмат жойини ўзбошимчалик билан ташлаб кетиш ва б.*

3. Давлатга қарши жиноятларни: *давлатга хоинлик қилиш, давлат сирини ошкор қилиш, терроризм, қўпоровчилик ва б.*

4. Ўзгалар мулкани талон-тороғ қилиш билан боғлиқ жиноятларни: *босқинчилик, товламачилик, ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-тороғ қилиш, фирибгарлик ва б.*

5. Шахсга қарши жиноятларни: *қасддан одам ўлдириш, ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш, қийнаш, одам ўғирлаш, ҳақорат қилиш ва б.*

6. Жинсий эркинлик ва ахлоққа қарши жиноятларни: *номусга тегиш, фоҳишахона сақлаш, кўп хотинли бўлиш, қўшмачилик ва б.*

7. Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларни: *қалбаки пул, акциз маркаси ёки қимматли қоғозлар ясаш, уларни ўтказиш, валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказиш ва б.*

8. Жамоат хавфсизлигига қарши жиноятларни: *жиноий уюшма ташкил этиш, оммавий тартибсизлик, диний экстремизм, сепаратистлик ва б.*

9. Экология соҳасидаги жиноятларни: *экологик хавфсизликка оид нормаларни бузиш, атроф табиий муҳитни ифлослантириш ва б.*

10. Муаллифлик ҳуқуқининг бузилиши билан боғлиқ жиноятларни: *нолегал фаолият, муаллифлик ҳуқуқини ўзлаштириб олиш, плагиат<sup>41</sup> ва б.*

Суд жараёни билан боғлиқ терминлар:

1. Жиноят суди билан боғлиқ терминлар. Бундай терминлар жиноий ишни кўриш жараёнида фаол қўлланиб, катта гуруҳни ташкил қилади. Булар: *жиноят кодекси, жиноят қуроли, ашъвий далил, ижтимоий хавфли ҳаракат, мурдани эксгумация қилиш ва б.*

2. Иқтисодий суд билан боғлиқ терминлар. Ушбу терминлар иқтисодий ишларни кўриш жараёнида фаол қўлланади: *асосий қарз, дебиторлик қарзи, хусусий мулк, бюджет, банк кафолати, кредит, инвестиция ва б.*

3. Ҳарбий суд билан боғлиқ терминлар. Мазкур гуруҳга умумистеъмолда нисбатан кам учрайдиган, асосан, ҳарбий судларда ишлатиладиган терминлар киради. Булар: *бўйсунмаслик, буйруқни бажармаслик, дезертирлик, муқобил хизмат, мажбурий хизмат ва б.*

<sup>41</sup> Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. – Тошкент: Адолат, 2018.

4.Фукаролик суди билан боғлиқ терминлар. Бундай терминлар фукаролик ишларини кўриш жараёнида қўлланади: *уй-жойга эгаллик қилиш, мулк, мерос, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш, алимент* ва б.

5.Барча судлар учун умумий бўлган терминлар. Бундай терминлар суднинг ҳамма турларида фаол қўлланади: *айблов хулосаси, апелляция, чақирув қоғози, даъво аризаси, кўрсатув (кўрсатма), кодекс, модда* ва б.

Суд ҳукми билан боғлиқ терминлар. Бундай терминлар, одатда, ҳукми эълон қилиш, жазони белгилаш, жазо жойларини англатиш, юридик ҳужжатларни ифодалаш, суд экспертизаси билан боғлиқ бўлади:

1.Суд ҳукми эълон қилиниши билан боғлиқ терминлар: *суд қарори, суд ҳукми, суд ажрими, адолатли ҳукм, ҳал қилув қарори* ва б.

2.Суд оқлови ва бошқа ҳукм билан боғлиқ терминлар: *жиноят ишини тугатиш, суд залидан озод қилиш, оқлаш, жарима солиш, авф этиш* ва б.

3.Жазони белгилаш билан боғлиқ терминлар: *мол-мулкни мусодара қилиш, озодликдан маҳрум қилиш, қамоқ жазосига ҳукм қилиш* ва б.

Жазо жойларини ифодаловчи терминлар: *қамоқхона, турма, зона, тергов изолятори, камера* ва б.

Суд ҳужжатлари терминлари: *суд мажлиси баёномаси, санкция, ордер, ариза, тушунтириш хати, тилхат, шикоят хати, авф, амнистия акти* ва б.

Суд экспертизаси терминлари: *экспертиза, суд-филологик экспертизаси, суд-лингвистик экспертизаси, суд-тиббиёт экспертизаси, суд-наркологик экспертизаси, эксгумация (мурдани қазиб олиш ва қайта кўмиш)* ва б.

III.Суд нутқидаги фразеологизмлар. Суд нутқида, хусусан, адвокатлар нутқида *тил бириктирмоқ, кўздан кечирмоқ, тили бир, ишни бости-бости қилмоқ, кўзда тутилмоқ* каби фразеологизмлар кўп учрайди: *О.Абдушукурованинг яшаши уйи хоналарининг барчаси ва хонада бўлган ҳамма нарсалар кўздан кечирилиб, жиноятга алоқадор бўлган нарсалар топилмаганлиги қайд қилинган* (ЎАХН, 74-б.).

Суд нутқида хос фразеологизмлар маъноси ва услубий бўёғига кўра сўзлашув ва бадий нутқда қўлланиладиган фразеологизмлардан фарқ қилади<sup>42</sup>. Бу ўзига хослик шундаки, суд нутқидаги фразеологизмларда фразеологик маъно етакчилик қилади, аммо эмоционал-экспрессивлик, услубий бўёқ сезилар-сезилмас даражада бўлади. Умумнутққа хос фразеологизмларда эса эмоционал-экспрессивлик, услубий бўёқ, кўчма маъно асосий, етакчи ҳисобланади. Баъзи фразеологизмларда эмоционал-экспрессивлик, услубий бўёқ ифодаланса-да, аммо уларнинг услубий бўёғи суд нутқида сезилмайди.

Иккинчи бобнинг «Суд нутқи лексикасининг генеалогик таркиби» фаслида суд нутқи лексикасидаги ўз ва ўзлашган қатламлар ҳақида фикр юритилади.

Ўзбек тили суд нутқи лексикасида *ажрим, алдамоқ, босқинчилик, оқламоқ, оқлов, суриштирмоқ, сўроқ, тергов* каби туб ва ясама сўзлар фаол

<sup>42</sup> Кўчимов Ш. Ўзбекистон Республикаси қонуналарининг тили. Филол.фан.номз ... дис. автореф. – Тошкент, 1995. – Б. 26.

қўлланади: *Шунинг учун унга қўйилган босқинчилик бўйича айб мутлақо асоссиз эълон қилинган* (ЎАХН, 44-б.).

Умумтуркий сўзларга қуйидаги ясовчи қўшимчалар қўшиш орқали ўзбекча сўзлар ясалади: *-чи* аффикси: *терговчи, ундирувчи* ва б.; *-қ (-оқ)* аффикси: *сўроқ, қийноқ* ва б.; *-в(-ов)* аффикси: *сўров, тергов* ва б.; *-м (-им)* аффикси: *ажрим, айрим* ва б.; *-ма* аффикси: *кўрғазма, кўрсатма* ва б.

Бошқа тилдан ўзлашган сўзга ўзбек тилидаги ясовчи қўшимчанинг қўшилишидан ҳосил бўлган сўзларнинг қуйидаги қолиплари мавжуд:

а) арабча сўз + ўзбекча аффикс: *жабрланувчи, айбланувчи, одиллик, адолатли, адолатсиз, ваҳшийларча* ва б.;

б) форс-тожикча сўз + ўзбекча аффикс: *андишали, безорилик, бемехр, гувоҳлик, фирибгарлик* ва б.

Форс-тожик элементларининг ўзбекча сўзларни ҳосил қилиши:

а) туркий сўзга қўшилади: *бебошлик, бесўроқ, бетиним, носоглом, нотаниш, нотинч* ва б.;

б) арабча сўзга қўшилади: *ноаниқ, муросасоз, манфаатпараст, мансабпараст* ва б.

Суд нутқи лексикасида ўз ва ўзлашма сўзлар қўшилиши орқали ясалувчи гибрид лексемалар ҳам учрайди:

1) туркий сўз + арабча сўз: *тилхат* ва б.;

2) арабча сўз + туркий сўз: *ҳуқуқбузар, дунёқараиш, тартиббузар* ва б.;

3) туркий сўз + форс-тожикча сўз: *бошпана, сўровнома* ва б.;

4) русча сўз + арабча сўз: *фотонусха, фотосурат, фотоҳужжат* ва б.;
